МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ЖАРАЁНЛАР УЙҒУНЛИГИ: МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Б. Талапов

Мақолада халқимизни руҳан ва қалбан якдил қилишга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишга йўналтираётган миллий ғоя ва унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан уйғунлиги масалалари асосли ёритилган.

***Калит сўзлар**: миллий ғоя, демократик тамойил, тинч яшаш, фаровонлик, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик*

В статье исследуется национальная идея, которая служит духовному и нравственному сплочению нашего народа и мобилизует к активному участию в осуществляемых реформах в стране, а так же глубоко раскрываются проблемы её единства с социально-экономическими и политическими процессами.

***Ключевые слова**: национальная идея, демократический принцип, мирное сосуществование, благосостояние, общественное сотрудничество, межнациональное согласие*

The article investigates national idealogy as a main platform of a spiritual and enlightenment affairs, directed to participate actively in a process of social, economical and political reformations in the country.

***Key words**: national idea, democratic principle, peaceful coexistence, welfare, public collaboration, international agreement..*

Миллий ғоянинг ижтимоий воқелик, миллатнинг келажакка йўналтирилган тасаввурлари эканини қайд этиб Президент И.А.Каримов унга қуйидагича таъриф беради: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизча тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз” [1.71]. Президентимиз миллий ғояни яратиш зарурлигини мустақилликка эришган илк кунлариданоқ таъкидлаганини, бу вазифага олимлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик жалб этилганини эслатиб шундай дейди: “Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади” [1.72].

Миллий ғоя негизидаги фундаментал демократик тамойил шуки, у ҳар бир киши, миллат, халқ экзистенциал борлиқда ўзининг мустақил фикри, мустақил дунёқараши, ғоясига эга деб билади. Ушбу ғояни илгари суриш, унга издошлар топиш ва уни тарғиб этиш ўша субъектларнинг халқаро юридик нормаларда эътироф этилган ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқни ҳеч ким инкор қилолмайди, у шахс, миллат, халқ учун ҳаёт ва мамот масаласи, келажагини белгилаш, авлодларининг бахтли яшашини таъминлашга қаратилган интилишларини объективлаштириш имконидир. XVIII асрда швейцариялик Эмер де Ваттель ҳар бир миллат, халқ ўз эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқига эга, бироқ у бошқа миллат, халққа ўз эҳтиёжларини қондиришга хавф уйғотмасин деган эди [5.44-45]. Демак, қандай тараққиёт йўлини, давлатни бошқариш усулини танлаш, қандай тамойилларга асосланган ғояларни, андозаларни келажак модели, ижтимоий идеали қилиб олиш ҳар бир миллат, халқнинг суверен ҳуқуқидир. Аммо инсоният тараққиётидан яхши хабардор, миллати, халқининг орзу-умидларини, ижтимоий идеалини тўғри англайдиган сиёсий лидер, давлат раҳбари миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш йўлини танлайди. Юртбошимиз миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш йўлидан боришни таклиф этганида инсоният тараққиёти қонунларидан яхши хабардор стратег, лидер эканини намоён қилди.

Собиқ Иттифоқ тарқалиб, Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, И.А.Каримов миллий тараққиётни илғор давлатлар эришган иқтисодий, демократик ютуқлардан фойдаланиш, жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар ўрнатиб, умуминсоний бойликлар-

***Б. Талапов** – НамДУ миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ асослари кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди.*

дан баҳраманд бўлиш, хуллас, глобал интеграцияга қўшилишда деб билди. У пайтда глобал интеграция ҳозиргидек шиддатли ҳодиса эмас эди, аммо Юртбошимиз инсоният уйғунлашиш, бирлашиш, давлатлар кўптомонлама ҳамкорликка интилаётгани умумжаҳон тараққиёти талаби эканини билган. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида дейди: “Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг замонавий ривожланиши даражасига хос бўлган чуқур демократик жараёнлар ўрнида устувор миллий мақсадларга эришиш сари қатъият билан бориш ниятидадир. Ўзбек халқини инсониятнинг ягона оиласида осон бўлмаган, аммо буюк келажак кутаётганлигига унинг ишончи комил” [5.17]. Ушбу стратегик йўлнинг тўғрилигини инсоният, глобал тараққиёт кўрсатмоқда.

Миллий ғоямиз инсоннинг тинч яшаш, жамият ва давлат ишларида қатнашиш, сайлаш ва сайланиш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижод қилиш ҳуқуқи кабиларга таянади. Шу нуқтаи назардан, миллий ғоя ва инсон ҳуқуқлари бир-бирини тўлдириб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Агар миллий ғоя демократия ва инсон ҳуқуқлари учун назарий-фалсафий, ғоявий асос бўлса, уларнинг ижтимоий борлиқдаги моҳиятини асослаб келса, демократия ва ҳуқуқ миллий ғояни объективлаштиришга, реал ҳаётий воқеликка айлантиришни кафолатлайди ва ёрдам беради.

Миллий ғоямиздаги фундаментал тамойил инсоннинг тинч яшаш ҳуқуқи билан боғлиқлигини уқтириб, Юртбошимиз дейди: “Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади” [1.73]. Шу боис биринчилардан бўлиб республикамизда ана шу ҳуқуқни таъминлаш мақсадида 2008 йил январидан олий жазо – ўлим жазоси ҳам бекор қилинди. Демак, миллий ғоямиздаги энг олижаноб тамойилни тўла ҳаётга татбиқ этиш, кишилар онгига сингдириш учун нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, бутун жамоатчиликнинг кенг, фаол сайъ-ҳаракатлари талаб этилади. Дарвоқе, одамнинг ҳаётига, жонига қасд қилиш “Авесто”, буддавийлик, “Инжил” ва исломда ҳам қораланади. Ушбу манбаларда одам ўлдириш энг катта гуноҳ, Яратгандан бошқа ҳеч ким жон олиш ҳуқуқига эга эмаслиги уқтирилади. Шундай бўлса-да, дунёдаги диний қадриятларни севувчи, ҳатто “глобал демократик жамият” ўрнатишни ўзининг миссияси деб атаётган АҚШда ўлим жазосининг бекор қилинмагани ҳайратлидир.

“Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, – деб кўрсатади Президентимиз И.А.Каримов, – ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз... Халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўшишимиз табиийдир” [1.73,74].

“Ватан тараққиёти ва равнақи”, “халқ фаровонлиги” кенг қамровли тушунчалардир. Бироқ уларни аниқ рақамлар, кўрсаткичлар ва қиёслар орқали кузатса бўлади.

Зеро, мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисоди қарийб 5 баробар ортди. Кейинги ўн йил давомида иқтисодимизнинг мутассил 8 фоиздан зиёдга ўсиши таъминланмоқда. Ўтган 2014 йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоиз ошди. Шу йили иқтисодиётмизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоиз ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди [2.1]. Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Айниқса, ҳаёт сифати одамларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи билан ҳам ифодаланади. Бу Бирлашаган миллаталар ташкилотининг Инсонни ривожлантириш концепциясида қайд этилган энг муҳим мезонидир. Мустақиллик йилларида ҳалқимизнинг ўртача умр кўриши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Аҳоли жон бошига ўртача даромад эса 8,7 маротаба ошди. 2014 йилнинг ўзида давлат бюджети ҳисобидан кекса ёшдаги фуқароларга 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўланди [6.1].

Кўриниб турибдики, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозига қарамай, республикамиз ҳукумати ижтимоий тараққиётга ва аҳолининг моддий фаровонлигига эришишга қаратилган дастурларини, режаларини изчил амалга оширмоқда. Бу билан у миллий ғоямизда кўзда тутилган ғоялар шунчаки гипотетик, утопик тасаввур эмас, балки ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлган режалар, орзу-умид ва мақсадлар эканини исботламоқда. Албатта, ижтимоий тараққиёт ва халқ фаровонлигини таъминлаш бир-икки йилда тўла амалга оширила-

диган вазифалар эмас, улар узоқ йилларни, оғир меҳнат ва изланишларни тақозо этади. Бироқ мустақиллик йилларида иш ҳақи динамикасининг ўсиб бораётганини, яъни у 1992 йили 15-20 АҚШ долларига тенг бўлганини, 2001 йилга келиб 200 долларга, 2008 йилга келиб 300 доллардан ошганини эсласак, халқ фаровонлиги томон аста-секин бўлса-да бораётганимизни кўрамиз. Одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютқич, микротўлқинли печларга эга [2.1].

Президентимизнинг кўрсатишича, миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойиллар ташкил этади.

Ижтимоий тотувлик турли халқлар, миллатлар, этник бирликлар, синфлар, конфессиялар, партиялар, мазҳабларнинг мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи ғоялар атрофида уюшиб, аҳил, иноқ яшашини назарда тутади. Ижтимоий тотувлик – ижтимоий тараққиёт гаровидир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз таъкидлайди: “Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимий масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват этиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир... Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир” [3.8].

Тарихий манбалар кўрсатадики, 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида 70 миллат ва элат яшаган, 1926 йилда улар сони 91 тага, 1959 йили 113 тага, 1979 йили эса 123 тага етади. Бугун Республикамизда миллат ва элатлар сони 130 дан зиёддир, улар аҳоли умумий улушининг 20 фоиздан ошиғини ташкил этади [7.68]. Ушбу ижтимоий бирликнинг барқарорлигини, иноқлиги ва бутунлигини асраш, мустаҳкамлаш этномаданий, этносоциал жараёнлардан яхши хабардор бўлишни, уларни ўзаро ҳамкорлик томон йўналтириш механизмларидан самарали ва ўз вақтида фойдаланишни тақозо қилади. Махсус тадқиқотлар ва Ўзбекистондаги 80-90-йиллардаги этник ҳолат, тўқнашувлар сабоғи кўрсатадики, ҳеч бир ижтимоий куч, сиёсий уюшма давлатдек этник муаммоларни ижобий ҳал этолмайди. Жамиятда барқарор тинчликни, ижтимоий ҳамкорликни таъминлашни ўзининг сиёсий фаолиятига айлантирган давлатгина ушбу вазифани амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон ва унинг Президенти И.А.Каримов ижтимоий ҳамкорликни, миллатлар, гуруҳлар ва конфессияларо тотувликни таъминлаш орқали тараққиётга эришишни сиёсий ва маънавий-тарғибий фаолиятнинг маъно-мағзига айлантирган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.–Т: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устивор вазифамиздир. ВМнинг мажлисидаги маърузаси / Халқ сўзи. – 2015. – 17 январь
3. Каримов И.А. Сўз боши. //Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Ваттель де Эмер. Права народов. –М.: Юридическая лит-ра, 1960.
5. Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган миллатлар ташкилоти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2001.
6. Абдураҳманов Қ. Тараққиётнинг дадил одимлари / Халқ сўзи. – 2015. – 7 январь
7. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатларо муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

2015 йил 4 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ў.Убайдуллаев)